МОВАРОУННАҲРДАГИ ИЛК ИЛМИЙ МАРКАЗЛАР (VII-X АСРЛАР)

THE FIRST SCIENTIFIC CENTERS IN MAWARANNAHR (TRANSOXIANA) (7TH-10TH CENTURIES)

ПЕРВЫЕ НАУЧНЫЕ ЦЕНТРЫ В МОВАРОУННАХРЕ (VII-X ВВ.)

Otabek MUKHAMMADIEV

Imam Bukhari International Scientific Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, Deputy Director
Assoc. Prof.
E-mail: otabekmuhammad@gmail.com
141306, Khoja Ismail town of Payariq district Samarkand, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2024/4/8

Аннотация: *Мақолада Моваруннаҳрдаги илк илмий марказларнинг ташкил топиши, Қутайба ибн Муслим Бухорони фатҳ қилгандан кейин 94/712 йилда Жума масжиди қурдириб, маҳаллий аҳолига Исломни ўргатишга замин яратилгани тадқиқ ва таҳлил қилинган. Шунингдек, маҳаллий аҳолига Абул Қосим Даҳҳок ибн Музоҳим Балхий каби олимлар томонидан Қуръон ва бошқа ислом илмлари ўргатила бошлангани, бу даврда мактаблар (куттоб) ҳам кенг тарқалгани, исломнинг илк даврларида ўқиш-ёзиш ўқитувчиларнинг уйларида ўргатилгани баён этилган. Кейинчалик, мактаблар Қуръон ўқиш, ақоид ва шеър каби асосий дарсларни ўз ичига олгани, ислом таълими ва тарбия фаолиятлари Макка даврида Дорул Арқамда бошлангани Мадинада Масжиди Набавий қурилгандан кейин бу жараён тезлашгани, Моваруннаҳрда қурилган илк жоме ва бошқа масжидлардан баъзилари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган ва тадқиқ қилинган.*

I/VII асрнинг охирига келиб Қутайба ибн Муслимнинг Моваруннаҳрда доимий муваффақиятларга эришиши билан ҳудудда Исломнинг тарқалиши бошланган даврдан бошлаб илм марказлари сифатида танилган уламолар уйлари ўз хусусиятини доимий равишда сақлаб қолган. Шубҳасиз, III/IX асрнинг муҳим муҳаддислари бўлган Абд ибн Ҳумайд, Доримий, Бухорий, Термизий ва бошқа аҳли ҳадис имомларининг уйлари ҳам ҳадис дарслари кўп ўтказиладиган жойлардан эди. Худди шунингдек, Қорахонийлар даврида ҳам бу жойларда ҳадис ва бошқа турли соҳаларга оид мажлислар ўтказилгани ҳақида мисоллар келтирилган. Манбаларда аниқ қайд этилган уламолар уйларининг баъзиларига мисоллар келтирилади. Ҳадис ҳофизларидан ва "ал-Жомиъу-с-саҳиҳ" номли асар муаллифи Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр Бужайрий (в. 311/923), Сўғд ҳудудига қарашли Ҳушуфағн қишлоғидаги уйининг боғида илм талабалари билан (асҳоб) ҳадис дарслари ўтказгани ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ҳадис, ҳофиз, асҳоб, куттоб, мажлис, ҳалқа, муктиб.*

Annotation: *The article researches and analyzes the establishment of the first scientific centers in Movarounnahr, the construction of the Juma Mosque in 94/712 after Qutayba ibn Muslim conquered Bukhara, and the creation of a foundation for teaching Islam to the local population. It also describes how scholars such as Abul Qasim Dahhak ibn Muzahim Balkhi began teaching the Quran and other Islamic sciences to the local population, the widespread distribution of schools (kuttab) during this period, and how reading and writing were taught in the homes of teachers in the early days of Islam. Subsequently, the article explains that schools included basic subjects such as Quran recitation, aqoid (creed), and poetry, that Islamic education and upbringing activities began in Dar al-Arqam during the Meccan period, and that this process accelerated after the construction of the Nabawi Mosque in Medina. Information about some of the first mosques and other mosques built in Movarounnahr is also provided and researched.*

By the end of the 1st/7th century, with the continuous success of Qutayba ibn Muslim in Movarounnahr, the homes of scholars, which were known as centers of science from the beginning of the spread of Islam in the region, permanently retained their characteristics. Undoubtedly, the homes of important muhaddiths (scholars of hadith) of the 3rd/9th century, such as Abd ibn Humayd, Darimi, Bukhari, Tirmidhi, and other imams of Ahl al-Hadith, were also places where many hadith lessons were held. Similarly, examples are given of hadith and other meetings held in these places during the Karakhanid period. Examples of some of the scholars' homes specifically mentioned in the sources are given. Information about Abu Hafs Umar ibn Muhammad ibn Bujayr Bujayri (d. 311/923), one of the hadith memorizers and author of «al-Jami' al-Sahih,» holding hadith lessons with students (ashab) in the garden of his house in the village of Hushufaghn, located in the Sogd region, is analyzed.

Keywords: *hadith, hafiz (memorizer), ashab (companions/students), kuttab (schools), majlis (gathering), halqa (circle/lesson), muktib (teacher in kuttab).*

Аннотация: *В статье рассказывается о создании первых научных центров в Мовароуннахре и назначении Кутайбы ибн Муслима наместником Хорасана в 86/705 году. После завоевания Бухары Кутайба ибн Муслим основал пятничную мечеть в 94/712 году, создав основу для обучения исламу местного населения. Кроме того, такие ученые, как Абу ал-Касим Даххак ибн Музахим ал-Балхи, стали преподавать Коран и другие исламские науки, и в этот период широко распространились школы (куттаб). Изначально чтение и письмо преподавались в домах учителей, но позже школы включали основные уроки, такие как чтение Корана, вероучение (акоид)*

и поэзия. Исламское образование и воспитательные мероприятия взяли начало в Дар ал-Аркам в Мекке и эти процессы интенсифицировались после строительства Мечети Пророка в Медине. В статье также приводится информация о некоторых первых мечетях и пятничных (жумъа) мечетях, построенных в Мовароуннахре.

К концу I/VII века, с непрерывными военно-политическими успехами Кутайбы ибн Муслима в Мовароуннахре последовало и распространение ислама, и дома ученых, признанные центрами знаний, сохраняли свое значение. В частности, дома видных хадисоведов III/IX века, таких как Абд ибн Хумайд, ад-Дарими, ал-Бухари, ат-Тирмизи и других хадисоведов, часто использовались для уроков хадисов. Аналогично, в период Караханидов эти места принимали различные собрания, связанные с хадисами и другими областями. В статье приводятся примеры некоторых хорошо задокументированных домов ученых. Например, упоминается, что Абу Хафс Умар ибн Мухаммад ибн Бужайр аль-Бужайри (ум. 311/923), автор "ал-Джами' ас-Сахих", проводил уроки хадисов со студентами в саду своего дома в деревне Хушуфагн в Согдийском регионе.

Ключевые слова: *Хадис, хафиз, сподвижники, куттаб, меджлис, халка, муктиб.*

КИРИШ

Мусулмонларнинг Мовароуннаҳрга йўналтирилган ҳаракатлари 54/674 йилда бошланган бўлса-да, минтақага доимий муваффақиятлар фақат Ҳажжож ибн Юсуф Сақафийнинг (ваф. 714 й.) умумий волийлиги даврида Қутайба ибн Муслимнинг 86/705 йилда Хуросон волийси этиб тайинланиши ва қилган фатҳлари билан таъминланган. Қутайба ибн Муслим Бухорони фатҳ қилгандан кейин 94/712 йилда қалъа ичида бир Жума масжиди қурдириб, маҳаллий аҳолига Исломни ўргатишга замин яратди, бошқа томондан эса Абул Қосим Даҳҳок ибн Музоҳим Балхий (ваф. 723 й.) каби ихтиёрий олимлар томонидан Қуръон ва бошқа Ислом илмлари ўргатила бошланди. Ҳатто, Даҳҳок ибн Музоҳимнинг Самарқандда масжид ва баъзи таълим-тарбия муассасалари ҳақида сўз юритилиши, I/VII асрнинг охирларида Мовароуннаҳрда мактаблар (куттоб) мавжудлигини кўрсатади. Даҳҳок ибн Музоҳимнинг Куфадаги мактабида 3000 та ўғил ва 700 га яқин қиз таълим олгани келтирилади (Ибн Ҳиббон, 1959:194; Насафий, 1999:269; Eroğlu, 1993:410). Бу санадан бошлаб Исломий таълим берадиган муассасалар билан бирга мактаблар ҳам кенг тарқалгани айтилса бўлади. Манбаларда Бухорийнинг 10 ёшларида, яъни 204/819 йилларда куттобда бўлганида ҳадисга бўлган қизиқиши бошлангани ҳақида сўз юритилади (Хатиб Бағдодий, 1988:5; Ибн Асокир, 1995:53). Қорахонийлар, мамлакат чегараларини кенгайтириб, мамлакатнинг Ғарбий қисмини Сомонийлар (819-999) ҳукмронлигидан тортиб олган вақтларда Мовароуннаҳр ва Туркистон шаҳарларида мактабларнинг катта қисми вақф асосида бўлган кўплаб таълим муассасалари мавжуд эди.

Тарихда маълум бўлган энг қадимий мактабларга ёзув ихтиро қилинган Месопотамияда дуч келинади. Араблар саҳобалар давридан бошлаб замонавий даврда бошланғич мактабга тўғри келадиган бу муассасага "куттоб" деб ном беришган. Одатда ёзиш, Қуръон ўқиш, ақоид ва шеър каби асосий дарсларни ўз ичига олган мактаблар янада юқори даражадаги таълимлар учун тайёргарлик вазифасини бажарар эди. Бу муассасаларда таълимни тугатган талабалар, хоҳишларига кўра работ, масжид ҳалқалари ва мадрасалардаги таълимларга давом этар эдилар (Makdisi, 2010:55; Eyüp Baş, 2013:446; Bozkurt N., 2004:5).

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

VII-X асрларда Мовароуннаҳр ҳудудида фаолият олиб борган илк таълим муассасалари, илмий марказлар шакли ва намояндаларини очиб беришдан иборат.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Тадқиқот жараёнида тавсифлаш, умумлаштириш, таққослаш, тизимлилик, тарихий даврлаштириш, микротарихий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА

Исломнинг илк даврларида ўқиш-ёзиш ўқитувчиларнинг уйларида ўргатилар эди. Мисрлик тарихчи Аҳмад Чалабийга (ваф. 2000) кўра бу турдаги мактаблар, кўпинча Қуръон ва Ислом дини асосларини ўргатувчилардан мустақил эдилар. Унинг фикрига кўра, баъзи тадқиқотчилар бу иккаласи ўртасида фарқ қилмай, бири ўқиш-ёзиш, иккинчиси Қуръон ёдлаш ва диний билимларни ўргатишни мақсад қилган бу икки куттобни бир мактаб сифатида кўриб чиқишган (Çelebi A., 1976:35).

Шунингдек, ўрта асрлардаги мактабларнинг ўқув дастурлари ҳудудларга кўра фарқ қилгани ва баъзи ҳудудларда Қуръон билан бирга ҳадис ўргатилиши ҳам қайд этилган (Ибн Халдун, 2005:220; Çelebi, 1976:38; H. Özkan, 2012:35).

Исломда илк таълим ва тарбия фаолиятлари Макка даврида Дорул-Арқамда бошланган, Мадинада Масжиди Набавий қурилгандан кейин бу жараён тезлашган. Масжиддаги таълим фаолиятлари “мажлис” сўзи билан ифодаланган бўлиб, мажлисларда Ҳазрати Пайғамбар атрофида ички доира шаклида ўтирган тингловчилар гуруҳига “ҳалқа” дейилган. Жума намози ўқиладиган ва хатибнинг хутба ўқиши учун минбар бўлган масжидлар “жоме” деб аталган, минбари бўлмаган, яъни жума намози ўқилмайдиган кичик ибодатхоналар эса фақат “масжид” деб аталган.

Манбаларда Мовароуннаҳрда қурилган илк жоме ва масжидлардан баъзилари ҳақида сўз юритилади. Бу маълумотлар бизга ўша ҳудуднинг мусулмонлар томонидан қачон фатҳ қилинганини ва Исломий таълимнинг қачон бошланганини кўрсатади. Шунингдек, Қутайба ибн Муслим 94/712 йилда Бухорони тўртинчи марта олганида, у ерда олдин бутхона сифатида фойдаланилган жой ўрнига Жума масжиди қурдирган. Бухоро аҳлига ҳам жомега боришни буюрган. Исломга янги кирган маҳаллий аҳоли орасида Қуръоннинг арабчасини тушунмагани учун форсчасидан ўқиганлар ҳам бўлгани маълум (Наршахий, 1993:286).

Туркистон ҳудуди Мовароуннаҳрга нисбатан кечроқ Ислом билан танишган. У ерларда қурилган илк ибодатхоналардан бири Сомоний ҳукмдори Исмоилнинг 280/893 йилда Таласга (Таразга) муваффақиятли юриш қилиб, черковдан масжидга айлантирган ибодатхона эди (Наршахий, 1993:327; Бартольд, 1963:241). Шунингдек, Шарқий Туркистоннинг марказларидан бири бўлган Қошғарнинг Артуч қишлоғида Наср Сомоний томонидан масжид қурилгани маълум (Қарший, 2005:143). Бу бинолар Мовароуннаҳрнинг турли ҳудудларида қурилган илк ибодатхоналар бўлиб, уларнинг ташкил топганидан бошлаб Исломий таълим берилган дарс жойлари бўлган. Масалан, Артуч масжидида Исломни қабул қилган ва асосий Ислом дарсларини ўша ерда ўрганган Сатук Бўғро, Қорахонийлар ҳукмдори бўлганида давлатнинг расмий динини Ислом деб эълон қилган. Ислом тарихида таълим ва ўқитишга жуда муҳим ҳисса қўшган масжид ва жоме масжидлар, Қорахонийлар даврида ҳам худди шу вазифаларни бажариб, халқнинг эҳтиёжларини қондирган.

Ислом динининг пайдо бўлиши ва турли ҳудудларга тарқалиши натижасида турли исломий мактаблар ҳам пайдо бўлгани маълум. Бу мактаблар ўзлари каби ўйламайдиган мактаблар билан мунозараларга киришгани каби ҳар бир мактабнинг ўзларига хос таълим масканлари бор эди. Улар орасида масжид ёки мачитларнинг бир қисми турли мактаблар дарс ўтадиган муҳим таълим масканларидан эди. Масалан, Бағдоддаги Мансур масжиди аҳли ҳадиснинг қалъаси сифатида машҳур бўлиб, ҳадис дарслари билан машҳур бўлгани қайд этилади (Makdisi, 2012:51).

Юқорида Бухоро масжидининг минтақадаги биринчи масжид эканлиги ва унинг ташкил топганидан бошлаб таълим ва ўқитиш бошланганини таъкидлаган эдик. Ушбу масжидда ва бошқа жойларда Бухорий каби буюк муҳаддислар етишганига шубҳа йўқ. Шу тарзда илмий фаолиятлар олиб борилган ушбу жой Қорахонийлар даврида ҳам худди шу вазифани бажарган.

1. Ғарб Қорахонийларининг пойтахти, шунингдек, Ҳиндистон, Эрон, Хитой ва шимолдан Туркистондан келадиган Ипак йўли кесишган жойда жойлашган ва бошқа кўплаб хусусиятлари билан ажралиб турадиган Самарқанд, илмий жиҳатдан ҳам мамлакатнинг энг фаол шаҳарларидан бири эди. Мовароуннаҳрда (Mukhamedov, N., & Turambetov, N., 2023:322-325) Самарқандга рақобат қила оладиган ягона шаҳар Бухоро эди. Ҳудудда II/VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жоме-масжид, масжид ва илмий ишлар учун мадрасага ўхшаш махсус бинолар қурила бошланган жараён Қорахонийлар томонидан ҳам худди шу тезликда давом эттирилган ва бу ерларда доимий равишда илмий ишлар олиб борилган (Aydınlı O., 2011:404).

Ҳар бир цивилизациянинг ўзини таъминлайдиган ва сақлаб турадиган турли динамикалари мавжуд. Улар орасида билимни ишлаб чиқарадиган, ривожлантирадиган ва жамиятга етказадиган таълим муассасалари асосий ўрин тутади. Исломнинг келиши ва тарқалиши билан пайдо бўлган суффа, мактаб, дорул ҳикма, доруссунна ва мадраса каби таълим муассасалари Ислом цивилизациясининг шаклланишида катта роль ўйнаган. Ислом цивилизациясининг шаклланишида зикр этилган муассасалардан ташқари, илм ҳалқалари тез-тез ўтказиладиган уламолар уйлари ҳам катта ҳисса қўшган. Бунинг Ислом тарихидаги биринчи намунаси Дарул Арқамдир (M. Asım Köksal, 1993:520).

I/VII асрнинг охирларига келиб Қутайба ибн Муслимнинг Мовароуннаҳрда доимий муваффақиятларга эришиши билан ҳудудда Исломнинг тарқалиши бошланган даврдан бошлаб илм марказлари сифатида танилган уламолар уйлари ўз хусусиятини доимий равишда сақлаб қолган. Шубҳасиз, III/IX асрнинг муҳим муҳаддислари бўлган Абд ибн Ҳумайд, Доримий, Бухорий, Термизий ва бошқа аҳли ҳадис имомларининг уйлари

ҳам ҳадис дарслари кўп ўтказиладиган жойлардан эди. Худди шунингдек, Қорахонийлар даврида ҳам бу жойларда ҳадис ва бошқа турли соҳаларга оид мажлислар ўтказилгани ҳақида мисоллар келтириш мумкин. Қуйида манбаларда аниқ қайд этилган уламолар уйларининг баъзиларига мисоллар келтирилади. Ҳадис ҳофизларидан ва "ал-Жомиъу-с-саҳиҳ" номли асар муаллифи Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр Бужайрий (ваф. 311/923), Сўғд ҳудудига қарашли Ҳушуфағн қишлоғидаги уйининг боғида илм талабалари билан (асҳоб) ҳадис дарслари ўтказарди.

Манбаларда қандай таълим муассасалари эканлиги кўрсатилмаган бўлса-да, фақат ҳадис мажлислари ўтказгани айтилган муҳим муҳаддислар бор. Улар орасида кўпчилиги маҳаллий муҳаддислар бўлиб, баъзилари ташқаридан келган ҳадисчилардир. Бу контекстда Бағдодда туғилиб, у ерда 21 ёшигача ҳадис ўрганган ва кейин ўз ватани Бухорога қайтган Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳанб Бухорий Бағдодийни (ваф. 350/961) зикр қилишимиз мумкин. Бир муҳаддис ва Шофеъий мазҳаби аъзоси бўлган Абу Бакр ибн Ҳанбнинг Бухорода бир ҳадис мажлиси ўтказгани айтилган, яъни у ватанига қайтгандан кейин масжид, масжид ёки уйида ҳадис соҳасида фаолият юритгани тушунилади. Бошқа томондан, Абу Бакр ибн Ҳанбнинг Бухорода кўплаб ҳадис ривоят қилгани ҳам зикр этилган (Дорақутний, 1986:929; Хатиб Бағдодий, 1988:296; Ибн Макула, 1986:157; Самъоний, 1990:187; Ибнул Асир, 1990:464; Ибн Носируддин, 1993:464).

Чегара бўйларида ва стратегик жойларда ҳарбий мақсадларда қурилган работлар, II/VIII асрда Шарқий Ислом дунёсининг Марв (Mukhamedov N., 2021), Бухоро ва Самарқанд каби чегара шаҳарларида ҳам қурила бошланган эди. Бухоро атрофидаги баъзи работлар атрофида биринчи Ислом армиялари билан ҳудудга келган тобеинларнинг қабрлари борлиги ҳам маълум (Наршахий, 1993:245). Илк Аббосийлар даврида чегара бўйларида работ қурилишига аҳамият берилиши ва вақфлар ташкил этилиши натижасида Хуросон ва Мовароуннаҳрда қурилган работлар сони кўпайди. Ҳижрий III асрнинг биринчи ярмида фақат Пойканд атрофидаги қишлоқларда мингдан ортиқ работ қурилиб, у ерларга жойлашган ғозийларнинг эҳтиёжлари қишлоқ аҳолиси томонидан қопланар эди (И. Йигит., 2008:76).

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган работларда ҳарбий таълим билан бирга ибодат ва илмий фаолиятларга ҳам аҳамият бериларди. "Муробитун" номи билан танилган ихтиёрий аскарлар ҳарбий таълимдан ташқари вақтларини ибодат ва зикр, Қуръон ўқиш, ҳадис, фиқҳ, тафсир каби турли соҳалардаги дарслар билан ўтказар эдилар.

Эрон ва Мовароуннаҳр ҳудудидаги работлар, эҳтимол III/IX асрнинг охирларидан бошлаб ҳарбий хусусиятларини йўқотиб, диний ва тасаввуфий хусусиятга эга бўлган, савдо йўллари устидаги ўтиш жойларида қурилган работлар эса ҳудудда Исломлашув якунлангандан кейин карвонларнинг йўл хавфсизлиги ва дам олиш эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган карвонсаройларга айланган (И. Йигит., 2008:76).

Самарқанднинг Бобу Кис (форсча: Дарвоза-и Кис) маҳалласини Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Исмоил Бобукиссий Самарқандий (ваф. 259/873) томонидан қурилган. Зоҳид ва тақво соҳиби бўлгани ва бошқа томондан ривоятларида мункир ҳадислар мавжудлиги айтилган Бобукиссий (Самъоний, 1990:12; Ҳамавий, 1990:309) эҳтимол бу ерда зикр ҳалқалари ва ҳадис мажлислари ўтказган бўлиши керак. Бу макон ташкил топганидан бошлаб VI/XII асргача уламоларнинг илм марказларидан бири бўлиб келган. Ҳатто, бу ерга яқин яшагани сабабли Абу Мансур Наср ибн Фатҳ Атакийнинг (ваф. 316/928) Мураббаъий нисбаси билан танилгани хабар қилинади (Самъоний, 1990:181).

Иснод занжиридаги маълумотларга асосланиб, бу работнинг Насафда жойлашганини ва турли муҳитларда илмий мажлислар ўтказилганини айтиш мумкин. Ҳадис уламоларининг катталаридан бири бўлган Абу Сулаймон Довуд ибн Наср Паздавийнинг (ваф. 323/935) 317/929 йили бу жойда ҳадис ривоят қилгани маълум. Имом Термизийдан ҳам ҳадис эшитган (Насафий, 1999:152; Самъоний, 1990:188).

Самарқандда жойлашган бу бинода Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Сарахсий 334/946 йилда ҳадис ривоят қилган (Насафий, 1999:305).

Таълим муассасаларининг мавжудлиги кенг тарқалган ҳолда давом этгани кўрилади, аммо мактабларнинг асосчилари, дарс дастурига оид тафсилотлар, талабалар сони, ҳақ тўланадиган ёки вақф асосида эканлиги каби масалалар ҳақида тафсилотларга дуч келинмайди. Шунга қарамай, манбаларда келтирилган баъзи маълумотлардан келиб чиқиб, мактабларнинг катта қисми вақф асосида эканлиги хулосасига келинади, талабаларнинг ҳадис тинглаши, мактабдан битириш ёшлари ва дарсларнинг моҳияти ҳақида тахминлар юритиш мумкин. Албатта, ҳудудда етишган олимларнинг шаҳар тарихи, муъжамуш-шуюх ва рижолга оид асарлари бугунги кунгача етиб келган бўлса, бу борада кўпроқ маълумотга эга бўлиш мумкин эди. Шунга қарамай, мазкур асарлардан

фойдаланган манбаларнинг берган маълумотлари, даврнинг таълим тизими ҳақида оз бўлса ҳам маълумот беради.

Мактабда фаолият юритган ўқитувчиларга муаддиб, муктиб (Самъоний, 1990:410)[1] ёки муаллим деб аталгани маълум бўлса-да (Jacob M. Landau, 2003:3-4), ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари кимлар томонидан қопланган ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз.

Ҳадис олимлари орасида турли фикрлар мавжуд бўлса-да, умумий қабулга кўра, темйиз ёшига етган болалар илм мажлисига қатнашиб, ҳадис тинглашлари ва тинглаган ҳадисларини нақл қилишлари мумкин эди. Бу ерда муҳим бўлган нарса, боланинг тинглаган ҳадисини тушуниши ва мавзуга оид унга берилган саволларга жавоб бера олиши эди. Бухоролик олимларга кўра, ҳадис мажлисларига қатнашган, ҳадис тинглаган ёки ёзганларнинг камида 7 ёшда бўлиши керак (Самъоний, 1990:508; Нававий, 1987:334; N. Aşık, 2010:380).

Маълумки, Суффаларнинг Ислом тарихидаги илк намунаси Мадинадаги Суффада учрайди, бу ерда асосан камбағал саҳобалар яшаган ва шу билан бирга таълим оладиган жой бўлган. Луғатда “сояли жой, баландроқ жой” маъносини англатувчи ةفَّصُ сўзи вақт ўтиши билан таълим муассасасининг махсус номи бўлиб қолган ва бу ерда яшаган саҳобаларга “Аҳли Суффа” деб аталган. Камдан-кам ҳолларда луғат маъносида бошқа жойларга нисбатан “суффатун-нисо” (Пайғамбарнинг аёллари ёки бошқа саҳобаларнинг аёллари вақт-вақти билан Мажид-и Набавийда йиғиладиган жой) ёки “суффатул-масжид” (Масжидул Ҳарамнинг ички қисми) деб ҳам ишлатилган.

Ислом тарихининг илк Суффасида ёзиш-ўқиш, Қуръон, тафсир, ҳадис, тарих, араб шеърияти ва адабиёт ўргатилар эди (A.Akyüz, 2006:23). Бу ерда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг таълимидан ўтган Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/652-53), Абу Ҳурайра (ваф. 58/678) ва Абдуллоҳ ибн Умар (ваф. 73/692) каби саҳобалар кўплаб саҳобаларни етиштирган ва улар Ислом илмларининг ривожига бевосита ҳисса қўшган (M. Baktır, 2007:469). Тарихий жараёнда ҳам бу муассасадан илҳомланиб, шу номни олган баъзи таълим муассасалари қурилгани кўрилади. Ҳудуднинг етакчи ҳадис ҳофизи Бужайрийдан (ваф. 311/923) ҳадис ўргангани айтилган Сомоний амири Абу-л-Музаффар Муҳаммад ибн Луқмон ибн Наср ибн Аҳмад ас-Самарқандий (ваф. 320/932 атрофида), Самарқанднинг Ҳаммад кўчасида ҳадис талабалари учун бир Суффа қурдириб, у ерда қоладиган ҳадис талабалари учун вақфлар ташкил қилган ва уларга кўплаб мулк ажратган. Ибн Ҳиббоннинг 330/941 йилгача бу Суффада ҳадис ва фиқҳ дарслари бергани таъкидланади (Бағдодий, 1987:122; M.A. Sönmez, 1999:63). Шу ергача келтирилган маълумотлар биргаликда баҳоланганда ва айниқса ўқитувчилик қилган шахсларнинг ҳаётлари ўрганилганда, бу Суффа ўша даврнинг Аҳли ҳадис жамоасининг муҳим муассасаларидан бири бўлгани хулосасига келиш мумкин.

Сомонийларга пойтахтлик қилган Бухорода ҳам Суффа муассасасининг мавжудлиги маълум. Бу муассасада ҳадис ва мунозара мажлислари ташкил этилгани каби муҳим олимлар дарслар берган. Аммо манбаларда айтиб ўтилган Суффаларда ўқитилган дарс китоблари ҳақида батафсил маълумот берилмаган. Суффаларда дарс берган ўқитувчиларга келсак, “Ҳоким аш-Шаҳид” номи билан танилган ва узоқ вақт Бухорода қозилик вазифасини бажарган Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Марвазий Балхийнинг (ваф. 334/945) бу ерда ҳадис имло мажлислари ўтказган.

Қозилик вазифасидан ташқари илм мажлисларини ўтказишни унутмаган Ҳоким аш-Шаҳид нинг илм ҳалқасига Сомоний амирларининг фарзандлари ҳам қатнашар эди. Улар орасида Амир Наср ибн Аҳмаднинг ўғли Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ва яна амир сифатида Али ибн Абу Бакр ибн Музаффар бор эди ва уларнинг бир қисми Ҳоким аш-Шаҳиднинг Суффадаги илм ҳалқаларига қатнашган. Шуни таъкидлаш жоизки, халқ ҳам, раҳбарлар ҳам Ҳоким аш-Шаҳиднинг Суффадаги дарсларига катта қизиқиш билдирган. Бир куни Амир Али ибн Абу Бакр ибн Музаффар, жума кунлари ўтказиладиган имло мажлисига келганида Ҳоким аш-Шаҳид уни қарши олиб, “Бугун сенинг навбатинг эмас” деб Суффа эшигидан қайтарган. Кейин эса эшик қўриқчилари ва навбат котибларига “Дарсга бойларни эмас, ҳақиқий илм йўлидаги одамларни олинг!” деб таъкидлаган (Самъоний, 1990:424; Ибнул Асир, 1990:217; B. Gözübenli, 2004:195).

Абу-л-Фараж Азиз ибн Абдуллоҳ Карминийнинг шофеийларнинг мунозири сифатида бўлган Бухородаги Суффанинг бошқалари билан бир хил хусусиятга эга бўлгани ёки йўқлиги ҳақида маълумот берилмаган. Ҳар ҳолда, бу Суффа шофеий мазҳабига мансуб таълим муассасаси бўлгани ва бу ерда ҳадис дарслари ўтказилгани тушунилади (Самъоний, 1990:407; Ибнул Асир, 1990:94).

Бухородаги мазкур уч Суффанинг бир хил ёки бир-биридан фарқли муассасалар эканлиги, ташкил этилган санаси ва ташкилотчилари ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Улар эҳтимолан бир хил Суффани ифода этиб, Аҳли ҳадис ва шофеий

[1] Муктиб – болаларга хат ва адабиёт ўргатувчи шахс.

уламоларга мансубдир. Бу ҳолат шофеий олими Абу Бакр ал-Авдонийнинг номини олган “Абу Бакр Авдоний Суффаси” ва Шофеъий мунозир Абу-л-Фараж Карминий ҳақидаги маълумотлардан тушунилади. Маълумотларга кўра, Суффа IV/X асрнинг биринчи ярмидан VI/XII асрнинг ўрталаргача фаолият кўрсатган бўлиб, бу тарихни Мўғул истилосигача олиб бориш мумкин. Якунда шуни таъкидлаш керакки, Сомоний амирлари, вақт-вақти билан Ибн Ҳиббоннинг Самарқанд қозилигига тайинланиши мисолида ҳам эслаш мумкин. IV/X асрда Аҳли ҳадис олимларини ҳам қўллаб-қувватлаганлар. Самарқанд ва Бухорода Суффалар қуриб, маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатишлари бу ҳолатнинг аниқ натижаларидан бири бўлиши керак.

Мусулмонларнинг асосий таълим муассасалари орасида муҳим ўрин тутган мадраса, Макдисийга кўра масжид ва ётоқ хонасининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган (Makdisi, 2012:67). Мадрасаларнинг илк пайдо бўлишида Хуросондаги Будда монастири (Вихара) ва Карромийя[2] зовийаларига ўхшатилгани айтилса-да, баъзи тадқиқотчилар таъкидлаганидек, асри саодатда Масжиди Набавийнинг ётоқли илм талабалари бўлган Суффа бу ривожланишнинг асосий илҳом манбаи бўлиши керак (D. Kuban, 1993:142; Ş. Gözütok, 2016:9). Илк даврда мадраса вазифаси учун ягона бир тузилма шакли қўлланилмаган деб ҳисоблаган Доған Кубанга кўра, мадрасалар ўша даврда тизимли тарздаги таълимнинг бир қисми эмас эдилар. Унга кўра, мадрасалар одатда машҳур бир олимнинг, зовийалар эса машҳур шайхларнинг, биринчиси ўзидан фойда (илм) олиш учун келган талабалар ёки илм соҳиблари, иккинчиси эса муридлари билан бирга яшаган, кўпроқ турар жой хусусиятидаги тузилмалар эди (D. Kuban, 1993:143).

НАТИЖА

Аниқланганидек, Ислом оламида мадрасаларнинг пайдо бўлган вақти IV/X аср бўлиб, бу даврда Бухоро ва Нишопур каби муҳим шаҳарларда мавжуд бўлган баъзи муассасаларда таълим берилган (Makdisi, 2012:67). Қорахонийлардан олдин, Сомонийлар даврида Бухорода Ҳанафийларнинг илк вакили ва Имом Муҳаммаднинг (ваф. 189/805) шогирди бўлган Абу Ҳафс Кабирнинг (ваф. 216/831) номини олган “Абу Ҳафс ал-Фақиҳ Мадрасаси” бор эди. Маълум бўлишича, бу ерда дарс берганлардан бири Абу Бакр Форисий Шоҳуйи (ваф. 361/972) эди (Самъоний, 1990:277). Шу даврларда мадрасанинг бир ўхшаши бўлган Суффа муассасаси, юқорида ҳам таъкидланганидек, Сомоний амири Абу-л-Музаффар томонидан Самарқандда ҳадис таълими учун қурилган, Ибн Ҳиббон бу ерда 330/942 йилгача ҳадис ва фиқҳ дарслари берган (Ибн Асокир, 1995:351; Бағдодий, 1987:122).

Бу илмий меросни Сомонийлардан олган Қорахонийлар, мадраса анъанасини ҳукмронликлари остидаги ҳудудларда янада ривожлантириб, юқори даражаларга кўтарган ва кўплаб мадрасалар очганлар. Ўша даврдаги мадрасаларнинг эҳтиёжлари кўпинча Хоқонлар томонидан ташкил этилган давлат қўллаб-қувватловчи вақфлар орқали, баъзан эса хайрихоҳлар томонидан ташкил этилган вақфлар билан қондирилган. Бу мадрасалар кўпинча султон/амир ва вазирларнинг ҳашаматини ва диндорлигини рамзлаштириш учун қурилгани сабабли; ҳовли, айвон, дарс хоналари, тузилманинг катталиги ва безак истаклари билан мутаносиб равишда янада ёдгорлик, шунингдек кўпинча симметрик, тошкўприк ва айвонлари таъкидланган тузилмалар сифатида қурилган.

Самарқандда ташкил этилган ва Ҳанафий йўналишида фаолият юритган Дору-л-Жузжония мадрасаси ўз номини Ҳанафий фақиҳ ва аҳли суннат каломчиси Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжонийдан (ваф. 250/864 атрофида) олган бўлиши керак. Ушбу олим Имом Муҳаммаднинг (ваф. 189/805) шогирди Абу Сулаймон Жузжонийнинг (ваф. 200/816) шогирди, Имом Мотуридийнинг (ваф. 333/944) ҳам устози эди. Шунингдек, унинг тарафдорлари III/IX асрда Бухорода Абу Ҳафс Кабир ва Балхда Нусайр ибн Яҳё тарафдорлари “Аҳли суннат” деб аталгани каби улар ҳам Самарқандда “Аҳли суннат” деб аталган ва Жузжонийя номи билан танилган (Özen, 2003:49; A.Ak, 2017:124; M. Yurdagür, 1993:97).

Турк олими Аҳмад Акнинг фикрига кўра, бу муассаса III/IX асрда Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 208/823) томонидан ташкил этилган бўлиб, кейинчалик Абу Сулаймон Жузжоний ва Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний томонидан ривожлантирилган. Чунки Абу Муқотил ас-Самарқандий Абу Ҳанифанинг шогирди бўлиб, устозининг “ал-Олим ва-л-мутааллим” асарини Самарқандда ўқитган муҳим шахс эди. Шунингдек, Ак бу муассасанинг IX-X асрнинг ўрталаргача Аҳли раъй йўналишида, кейинчалик эса Аҳли ҳадис йўналишига ўтганини таъкидлайди (Ak, 2017:55). Ҳар ҳолда, бу муассаса Аҳли раъй мактабига мансуб илм маркази бўлиб, Жузжоний нисбаси билан танилган олимлар томонидан ташкил этилган ёки бу олимларнинг аҳамиятига кўра шогирдлари

[2] Карромийлар – III/IX асрнинг охирида Хуросон ва Мовароуннаҳрда юзага чиққан эътиқодий мазҳаб.

томонидан шу тарзда номланган ва III/IX асрда фаолият кўрсатган.

Манбалар бу муассаса ҳақида гапирганда, унинг мадраса эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайдилар. Аммо Дору-л-Жузжонийя ҳақида гапирилганда "фалончи у ерда дарс берарди" ва "фалончи муидлик қиларди" каби иборалар келтирилгани (Насафий, 1999:261; Тамимий, 1983:372), бу муассасанинг бир турдаги мадраса эканлигини кўрсатади. Дору-л-Жузжонийянинг энг илк устозлари орасида Имом Муҳаммаднинг шогирди Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжонийнинг номи келтирилади. Бу ерда Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. 275/888 атрофида) ва мотуридия мактаби асосчиси Абу Мансур Мотуридий каби машҳур олимлар таълим олган ва кейинчалик бу муассасада устозлик қилган (Ибн Яҳё, 161[b]).

Баъзи тадқиқотчиларга кўра, Мотуридийнинг устозлик қилган Дору-л-Жузжония мадрасаси унинг вафотидан кейин калом ўқитишдан узоқлашиб, фиқҳ, ҳадис ва турли илмларни ўқитадиган марказга айланган. Чунки Мотуридийдан кейин калом илми эътиборсиз қолдирилгани, илм аҳлининг фиқҳга мойил бўлгани таъкидланади (Паздавий, 1963:1; Özen, 2003:146). Бу ҳолат фақат Дору-л-Жузжония муассасаси учун эмас, балки бутун минтақа учун хосдир.

Самъоний, Иёдий нисбасини олган Иёдий ака-укаларга ўрин берган бўлса-да, Дору-л-Иёдияга тўхталмайди. Унинг нақл қилишича, Абу Бакр ибн Абу Наср Иёдий, Самарқанднинг машҳур фақиҳларидан бўлиб, ҳоким Маккий ибн Исҳоқнинг уйида мунозара мажлиси ташкил қиларди (Самъоний, 1990:103; Ибнул Асир, 1990:368).

Манбаларда Бухорода Бобу Фаржак номли маҳалла ҳақида сўз юритилади (Самъоний, 1990:214). Фаржак мадрасасининг бу маҳалла номи билан аталиши, ушбу муассасанинг шу ерда қурилганини кўрсатса-да, мадрасанинг асосчиси ва қайси санада қурилгани маълум эмас. Наршахий (ваф. 348/959) "Тарихи Бухоро" асарида Амир Саид Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил даврида 325/937 йилда Бухорода чиққан ёнғинда бозорлар, Моҳ масжиди, баъзи маҳаллалар ва Фаржак мадрасаси ёниб кетганини қайд этади (Наршахий, 1993:338). Шунингдек, Бухорода IX-X аср бошларида Низомия мадрасалари каби ривожланган бўлмаса-да, пастроқ даражадаги мадрасаларда таълим берилгани айтилса бўлади. Ривоят даврига кирувчи IX-X асрда фаолият кўрсатгани сабабли бу ерда ҳам ҳадис мажлислари ўтказилган бўлиши мумкин.

Сомонийларнинг пойтахти Бухорода таълим берган Фақиҳ Абу Ҳафс мадрасасининг қачон ва ким томонидан қурилгани ҳақида етарли маълумот йўқ. Самъонийнинг маълумотларига кўра, фақиҳ Абу Бакр Форисий аш-Шоҳуйий (ваф. 361/972) илмий сафар мақсадида Нишопурдан Бухорога келганида бу мадрасада дарс берган ва кейинчалик Нишопурга қайтган (Самъоний, 1990:277). Мадрасага номи берилган олим эса Имом Муҳаммаднинг шогирди ва Мовароуннаҳрнинг биринчи Ҳанафий вакили ҳисобланган фақиҳ Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорийдир. Абу Ҳафс Кабир Бухоронинг Бобу Ҳақроҳ маҳалласидан бўлиб, маҳаллий аҳолига илм ўргатиш билан машғул бўлган. Вакиъ ибн Жарроҳ (ваф. 197/812), Абу Усома (ваф. 201/817) каби муҳаддис олимлардан таълим олган (Заҳабий, 1985:157). 217/832 йилда вафот этган Сайид Абу Ҳафс, Бобу Жадид/Дарвозаи Навдаги тепага дафн этилган. Кейинчалик бу жой Сайид Абу Ҳафс тепаси деб номланиб, масжид ва узлат хоналари қурилган. Унинг қабри "дуолар қабул бўладиган жой" сифатида машҳур бўлган (Наршахий, 1993:295). Мадраса, юқорида зикр этилган масжид ва узлат хоналари атрофида қурилган ва таълим фаолиятлари шу ерда амалга оширилган бўлиши керак. Ислом тарихида, ўз ичида масжид, турба ёки ханақа бўлган мадрасалар мавжудлиги маълум. Мазкур мадрасада қандай дарслар ўқитилгани, асосчилари ва қайси мактабнинг таълим муассасаси экани ҳақида аниқ маълумот йўқ бўлса-да, Ҳанафий олимнинг номини олиши ва у ерда дарс берган Шоҳуйийнинг "фақиҳ" сифатида танилишига қараб, бу муассасанинг Ҳанафийларнинг илм марказларидан бири экани айтилса бўлади. Шунингдек, Ҳоким Найсабурийнинг Шоҳуйийдан ҳадис олгани нақл қилинса-да, Фақиҳ Абу Ҳафс мадрасада ҳадис дарслари ўтказилгани ҳақида маълумот йўқ.

Бу мадраса ўз номини Ҳазрати Пайғамбарнинг амакиси Ҳазрати Аббоснинг ўғли Қусам ибн Аббосдан олган. 56/676 йили Самарқанднинг фатҳи давомида шаҳид бўлган ва ривоятларга кўра у ерда дафн қилинган. Унинг қабри вақт ўтиши билан зиёратгоҳга айланган, атрофига масжид ва мадраса қурилган. Қусам ибн Аббос дафн қилинган кундан бошлаб самарқандликлар томонидан "Шоҳизинда" (тирик султон) деб аталган.

ХУЛОСА

Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида асосан масжидлар билан бирга кўплаб мадрасалар қурилиб, халқ хизматига тақдим этилган. Давр амалдорлари ва ҳукмдорлари Мовароуннаҳр ва Хуросонда очган мадрасаларидан илҳомланиб, уларни ривожлантирган ва сонини кўпайтирган.

Таништирилган муассасалар орасида ҳадис дарслари (имло мажлислари) энг кўп ўтказилган ва ҳақида энг батафсил маълумот берилган таълим муассасаси Дору-л-Жузжония экани кўрилади. Шунинг учун бу муассаса ҳам аҳли раъй, ҳам аҳли ҳадис мактаблари учун муҳим аҳамиятга эга.

Бу даврда ҳукмдор саройлари ва кутубхоналар ҳам умумий Исломий илмлар, хусусан ҳадис дарслари ўтказиладиган жойлар эди. Масалан, фақиҳ ва муҳаддис сифатига эга бўлган Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳорисий Калобозий Бухорий Субазмуний (ваф. 340/951), Сомоний амири Исмоил ибн Аҳмаднинг (279-294/892-907) саройида диний масалалар бўйича маслаҳатчи бўлгани учун "Устод" лақабини олгани зикр этилади. Шунингдек, Сомонийлар даврида Бухорода муҳим сарой кутубхонаси мавжуд бўлгани ва бу кутубхонадан Ибн Сино ҳам фойдалангани хабар қилинади. Бу маълумотлардан келиб чиқиб, саройлар ва кутубхоналар ўрта асрларда ҳукмдорлар атрофида ҳадис ва бошқа турли соҳаларда дарслар ўтказилган таълим муассасалари бўлганини айтиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. A.Akyuz. (2006) Bir yetişkin eğitim kurumu olarak suffa. Yetişkinlik dönemi eğitimi ve problemleri. – Истанбул: Ансор.
2. Ahmet Ak (2017). Büyük türk âlimi Mâturîdî ve mâturîdîlik. – Истанбул: Ансор нашриёти.
3. Aydınlı O (2011). Semerkant tarihi. – Истанбул: ISAM.
4. B. Gozubenli. (1997) Ҳоким аш-шаҳид. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. XV.
5. Bozkurt N. (2004) Мактаб. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. XXIX.
6. Çelebi A. (1976) İslâm'da eğitim-öğretim tarihi. A.Yardım тарж. – Истанбул: Дамла нашриёти.
7. D. Kuban. (1993) Batıya göçün sanatsal evreleri: Anadolu'dan önce türklerin sanat ortakliklari. – Истанбул: Жем нашриёти.
8. Eroğlu. (1993) Даҳҳок ибн Музоҳим. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. VIII.
9. Eyup Baş. (2013) İslâm kurumları tarihi. – Анқара: Графиклар.
10. H. Özkan. (2012) Memlüklerin Son Asrında Hadis. – Истанбул: Классик.
11. Jacob M. Landau. (2003) Куттоб. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. XXVII.
12. Kutlu. (2003) İmam Mâturîdî ve mâturîdîlik. – Анқара: Kitabiyat.
13. M. Asım Köksal. (1993) Дорул Арқам. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. VIII.
14. M. Baktır. (2007) Суффа. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. XXXVII.
15. M. Yurdagür. (1993) Жузжоний. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. VIII.
16. M.A. Sönmez. (1999) Ибн Ҳиббон. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. XX.
17. Makdisi G. (2012) Ortaçağ'da yüksek öğretim, İslâm dünyasi ve hristiyan bati. A.Çavuşoğlu-T.Başoğlu тарж. – Истанбул: Классик.
18. Mukhamedov, N. (2021). Activities Of Hadith Scholars Of Shosh (Tashkent) In Marv And Region Scientific Centers. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(6). https://openurl.ebsco.com/EPDB
19. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. (2023). HUMANISTIC IDEAS: KINDNESS, GENEROSITY, AND TOLERANCE IN THE WORK OF MAVERANNHAR SCIENTISTS. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 8(12), 322-325.
20. N. Aşık. (2010) Таҳаммул. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. XXXIX.
21. Ozen. (2003) Ehl-i sünnet-mu'tezile mücadelesi. İslâm Araştırmaları Dergisi.
22. Ozgüdenli. (2003) Мовароуннаҳр. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. XXVIII.
23. Ş. Gozutok. (2016) İslâm medeniyetinin öncü eğitim kurumlari: Nişabur medreseleri. – Истанбул: Türk dünyasi araştirmalari.
24. Бағдодий. (1987) Такмилатул икмал. Ж. III. – Макка: Уммул қуро.
25. Бартольд В.В. (1963) Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. Т. I. – М.: Восточная литература.
26. Дорақутний. (1986) ал-Муъталиф вал мухталиф. Ж. II. – Байрут: Дорул ғарбил исламий.
27. Заҳабий. (1985) Сияру аъламин нубала. Ж. XV. – Байрут: Муассасатур рисола.
28. Заҳабий. (2003) Тарих. Ж. VII. – Байрут: Дорул ғарбил исламий.
29. И. Йигит. (2008) Работ. Туркия Диёнат ишлари энциклопедияси. Ж. XXXV.
30. Ибн Асокир. (1995) Тарих. Ж. LII. – Байрут: Дорул фикр.
31. Ибн Макула. (1986) ал-Икмал. Ж. II. – Байрут: Дорул ғарбил исламий.
32. Ибн Носируддин. (1993) Тавзиҳул муштабиҳ фи забт асмоир рувот ва ансобиҳим ва алқобиҳим ва кунаҳум. Муҳаммад Наим Араксусий нашри. Ж. II. – Байрут: Муассасатур рисола.
33. Ибн Халдун. (2005) Муқаддима. А.Шаддодий нашри. Ж. III. – Истанбул: Дорулбайзо.
34. Ибн Ҳиббон. (1959) Машоҳир. – Қоҳира: Дорул кутубил илмийя.
35. Ибн Яҳё. Шарҳу Жумали усулид дин. 161b (Сулаймония кутубхонаси, Шаҳид Али Пошо бўлими. No: 1648)
36. Ибнул Асир. (1990) Лубоб. Ж. I. – Байрут: Дору содир.
37. Қарший. (2005) ал-Мулҳақот. – Олмаота, Dayk-Press.
38. Нававий. (1987) Иршод туллобил ҳақоиқ. Ж. I. – Мадина: Мактабатул имон.

39. Наршахий. (1993) Бухоро тарихи. – Тошкент: Шарқ баёзи.
40. Насафий. (1999) ал-Қанд. – Теҳрон: Ойинайи мерос.
41. Паздавий. (1963) Усулид дин. – Қоҳира: Дор иҳяил кутубил арабийя.
42. Самъоний. (1990) Ансоб. Ж. II, V. – Байрут: Дору содир.
43. Тамимий. (1983) Табақотус санийя фи тарожими ҳанафийя. – Риёз: Дорур рифоъий.
44. Хатиб Бағдодий. (1988) Тариху Бағдод. Ж. I, II. – Байрут: Дорул кутубил илмийя.
45. Ҳамавий. (1990) Муъжамул булдон. Ж. I. – Байрут: Дорул кутубил илмийя.

REFERENCES:

1. A.Akyuz. (2006) Bir yetiskin egitim kurumu olarak suffa. Yetiskinlik donemi egitimi ve problemleri. – Istanbul: Ansor.
2. Ahmet Ak (2017). Buyuk turk alimi Maturidi ve maturidilik. – Istanbul: Ansor nashriyoti.
3. Aydinli O (2011). Semerkant tarihi. – Istanbul: ISAM.
4. B. Gozubenli. (1997) Hokim ash-shahid. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. XV.
5. Bozkurt N. (2004) Maktab. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. XXIX.
6. Celebi A. (1976) Islam'da egitim-ogretim tarihi. A.Yardim tarj. – Istanbul: Damla nashriyoti.
7. D. Kuban. (1993) Batiya gocun sanatsal evreleri: Anadolu'dan once turklerin sanat ortakliklari. – Istanbul: Jem nashriyoti.
8. Eroglu. (1993) Zahhok ibn Muzohim. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. VIII.
9. Eyup Bas. (2013) Islam kurumlari tarihi. – Anqara: Grafiklar.
10. H. Ozkan. (2012) Memluklerin Son Asrinda Hadis. – Istanbul: Klassik.
11. Jacob M. Landau. (2003) Kuttob. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. XXVII.
12. Kutlu. (2003) Imam Maturidi ve maturidilik. – Anqara: Kitabiyat.
13. M. Asim Koksal. (1993) Dorul Arqam. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. VIII.
14. M. Baktir. (2007) Suffa. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. XXXVII.
15. M. Yurdagur. (1993) Juzjoniy. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. VIII.
16. M.A. Sonmez. (1999) Ibn Hibbon. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. XX.
17. Makdisi G. (2012) Ortacag'da yuksek ogretim, Islam dunyasi ve hristian bati. A.Cavusoglu-T.Basoglu tarj. – Istanbul: Klassik.
18. Mukhamedov, N. (2021). Activities Of Hadith Scholars Of Shosh (Tashkent) In Marv And Region Scientific Centers. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(6). https://openurl.ebsco.com/EPDB
19. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. (2023). HUMANISTIC IDEAS: KINDNESS, GENEROSITY, AND TOLERANCE IN THE WORK OF MAVERANNHAR SCIENTISTS. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 8(12), 322-325.
20. N. Asik. (2010) Tahammul. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. XXXIX.
21. Ozen. (2003) Ehl-i sunnet-mu'tezile mucadelesi. Islam Arastirmalari Dergisi.
22. Ozgudenli. (2003) Movarounnahr. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. XXVIII.
23. S. Gozutok. (2016) Islam medeniyetinin oncu egitim kurumlari: Nisabur medreseleri. – Istanbul: Turk dunyasi arastirmalari.
24. Bag'dodiy. (1987) Takmilatul ikmal. J. III. – Makka: Ummul quro.
25. Bartol`d V.V. (1963) Turkestan v epoxu mongol`skogo nashestviya // Bartol`d V.V. Sochineniya. T. I. – M.: Vostochnaya literatura.
26. Doraqutniy. (1986) al-Mu'talif val muxtalif. J. II. – Bayrut: Dorul g'arbil islamiy.
27. Zahabiy. (1985) Siyaru a'lamin nubala. J. XV. – Bayrut: Muassasatur risola.
28. Zahabiy. (2003) Tarix. J. VII. – Bayrut: Dorul g'arbil islamiy.
29. I. Yigit. (2008) Rabot. Turkiya Diyonat ishlari ensiklopediyasi. J. XXXV.
30. Ibn Asokir. (1995) Tarix. J. LII. – Bayrut: Dorul fikr.
31. Ibn Makula. (1986) al-Ikmal. J. II. – Bayrut: Dorul g'arbil islamiy.
32. Ibn Nosiruddin. (1993) Tavzihul mushtabih fi zabt asmoir ruvot va ansobihim va alqobihim va kunahum. Muhammad Naim Araksusiy nashri. J. II. – Bayrut: Muassasatur risola.
33. Ibn Xaldun. (2005) Muqaddima. A.Shaddodiy nashri. J. III. – Istanbul: Dorulbayzo.
34. Ibn Hibbon. (1959) Mashohir. – Qohira: Dorul kutubil ilmiyya.
35. Ibn Yahyo. Sharhu Jumali usulid din. 161b (Sulaymoniya kutubxonasi, Shahid Ali Posho bo'limi. No: 1648)
36. Ibnul Asir. (1990) Lubob. J. I. – Bayrut: Doru sodir.
37. Qarshiy. (2005) al-Mulhaqot. – Olmaota, Dayk-Press.
38. Navaviy. (1987) Irshod tullobil haqoiq. J. I. – Madina: Maktabatul imon.
39. Narshaxiy. (1993) Buxoro tarixi. – Toshkent: Sharq bayozi.
40. Nasafiy. (1999) al-Qand. – Tehron: Oyinayi meros.
41. Pazdaviy. (1963) Usulid din. – Qohira: Dor ihyail kutubil arabiyya.
42. Sam'oniy. (1990) Ansob. J. II, V. – Bayrut: Doru sodir.
43. Tamimiy. (1983) Tabaqotus saniyya fi tarojimi hanafiyya. – Riyoz: Dorur rifo'iy.
44. Xatib Bag'dodiy. (1988) Tarixu Bag'dod. J. I, II. – Bayrut: Dorul kutubil ilmiyya.
45. Hamaviy. (1990) Mu'jamul buldon. J. I. – Bayrut: Dorul kutubil ilmiyya.